Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 17-iyun, seshanba № 74 (3423)

Менинг энг катта ишончим ва умидим — бугун замонавий билим ва тарбия олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир.

Ислом КАРИМОВ

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 16 июн куни илк давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Корея Республикаси делегацияси Кўксарой қароргоҳига йўл олди.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада кенгайтиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистонга давлат ташрифининг асосий тадбирлари 17 июнга мўлжалланган.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси раҳбарлари томонидан Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилиниши, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўладиган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

ЎзА

Кўрик

Энг фаол ёш мутахассис

Бухорода «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёш тадбиркорлар, фермер ва ҳунармандлар иштирок этди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ўтказилган танлов тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва фермерлик соҳасида фаолият кўрсатаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар эришаётган ютуқларни оммалаштиришга хизмат қилади.

Иштирокчилар томонидан намойиш этилган қурилиш моллари, заргарлик, ўймакорлик, каштачилик, зардўзлик буюмлари, миллий ўйинчоқлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

«Йилнинг энг намунали ёш тадбиркори», «Йилнинг энг намунали ёш фермери» ҳамда «Йилнинг энг намунали ёш ҳунарманди» йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

— Корхонамиз полимер томқопламалари (черепицалар), пластик қувурлар ва тежамкор бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди «Йилнинг энг намунали ёш тадбиркори» номинацияси ғолиби, Когон шаҳридаги «Оникстехноладка сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳодир Одилов. — Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор ўз самараларини бераётир. Масалан, даромад солиғи бўйича ягона солиқ ставкаси 5 фоизга туширилгани корхонамиз айланма маблағини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: *танлов ғолиби ва совриндорлари.*

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

«Ёзги таътил — 2014»

Ургут тоғлари бағридаги сўлим гўша — «Золотинка» нафақат самарқандлик, балки қорақалпоғистонлик ёшлар учун ҳам севимли масканга айланиб қолган. Ҳар йили бу ерда Оролбўйи минтақасидан 400 нафардан зиёд бола ҳордиқ чиқаради. Соғлом бола йилида бу миқдор қарийб икки баробарга ортиши кутилаётир.

«Золотинка» қучоқ очди

Самарқанд темир йўл вокзалида азиз меҳмонларни мутасадди ташкилот вакиллари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси зўр тантана билан кутиб олди.

— 350 дан зиёд дам олувчилар учун 20 та замонавий автотранспорт воситаси ажратилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Акбар Абдусаидов. — Меҳмонларга кўҳна Самарқанд узра кичик саёҳат ташкил этилиб, кенг ва равон кўчалар, бунёдкорлик ишларига бир қур назар ташлаш имконияти яратиб берилди.

— «Золотинка» оромгоҳида акам дам олганди, — дейди Сапармурод. — Ўшандан буён қадимий шаҳар, жаннатмакон Ургут оғзидан тушмайди. Унга ҳавасим келарди. Ниҳоят, орзуим ушалиб, бу масканда дам оладиган бўлдим. Самарқандда кўрганларим қалбимни ғурурга тўлдирди. Боболаримиз ақл-заковати, халқимизнинг бунёдкорлигига қойил қолдим.

Тонгда сервиқор тоғлар бағридаги «Золотинка» оромгоҳига автобуслар тизими етиб келгач, кутиб олиш тантаналари байрам нонуштасига уланиб кетди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Ёш пахтакор» оромгоҳи Бухоро туманининг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган. Умумий майдони 10 гектардан ортиқ бўлган оромгоҳ дарвозасидан ичкарига кирсангиз, гўзал манзара сизни ўзига сеҳрлаб қўяди. Ўрмонни эслатувчи қалин дарахтзор, мусаффо ҳаво. Ариқчаларда жилдираб оқаётган зилол сув. Эртаклардагидек жиҳозланган болаларнинг ўйин майдончалари, чўмилиш ҳавзаси. Ён-атрофга тарқалаётган ёқимли мусиқа садоларига жўр бўлаётган шўхшодон болажонларнинг қийқириқлари. Спорт майдончасидаги ҳаяжонли беллашувлар... Буларнинг барча-барчаси оромгоҳга ташриф буюрган кишига завқ-шавқ, хушкайфият бағишлайди.

Сўлим гўша сеҳри

Оромгоҳ фаолияти билан танишар эканмиз, директор Алишер Ражабов ва «Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси» ОАЖ бирлашган тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳамид Қамаровлар бу ерда олиб борилаётган ибратли ишлар ҳақида гапириб беришди.

Режага кўра бу йилги мавсумда оромгоҳда «Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси» тизимидаги корхоналар ходимларининг фарзандлари ва «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларидан 500 нафар ўғил-қиз 4 босқичда дам олдирилади. Уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган. Маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва бошқа кўнгилочар тадбирларнинг вақтида ҳамда мазмунли ўтказилиши учун Муҳаббат Аҳмедова бошчилигидаги Нозима Ҳамдамова, Дилафрўз Абдуллаева, Наргиза Маликова, Гулмира Шойимова сингари тарбиячи ва етакчилар алоҳида ибрат кўрсатмоқда. Шунингдек, кутубхоначи Шаҳринисо Солиева, спорт йўриқчиси Абдулла Оллоқулов, сузиш тўгараги раҳбари Бобур Жўраев, бош ошпаз Рашид Чориевлар хизматидан болажонлар бениҳоя мамнун.

(Давоми 2-саҳифада).

ТЎРТ ТИЛДАГИ СОВҒА

«Samsung Engineering» компанияси томонидан Қўнғирот туманидаги 31-умумтаълим мактаби кутубхонасига ўзбек, қорақалпоқ, корейс ва инглиз тилларидаги адабиётлар совға қилинди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда «Uz-Kor Gaz Chemical» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси раҳбари ўринбосари Фахриддин Абдурасулов, «Samsung Engineering» компанияси қурилиш участкаси бошлиғи Ким Ик Вун ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Устюрт кенглигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ўзбек ва корейс халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик алоқаларининг яққол тасдиғи эканини таъкидладилар.

Тадбир доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида «Табиат ва менинг асарим» мавзусида расмлар танлови ўтказилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, муқобил энергия манбалари тўғрисида ўқувчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар батафсил жавоб қайтарди.

— Бугунги тадбир мактабимиз ўқувчи ва ўқитувчилари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди, — дейди мактаб директори Гулбаҳор Шомуродова. — Мактабимизда амалга оширилган таъмирлаш ишлари таълим сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Тадбирда ўқувчилар томонидан ўзбек, қорақалпоқ ва корейс халқ миллий куй-қўшиқлари янгради, рақслар ижро этилди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Касаба уюшмаси ҳаёти

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши ўз атрофида 18 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган бўлиб, фаолиятни такомиллаштириш, низом талаблари асосида иш юритишга кўмаклашиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Корхона ва ташкилотларда иш ўринларини шаҳодатлаш, ходимларга зарур шарт-шароит яратиш, меҳнатга муносиб рағбат чоралари кўрилмоқда.

Низом талаблари асосида

Маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш орқали меҳнаткашлар кайфиятини кўтариш ҳамда иш унумдорлигини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Барча бошланғич ташкилотларимизда дам олиш хоналари мавжуд бўлиб, уларнинг талаб даражасида жиҳозланишига эришилди.

Яқинда «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» шиори остида мусобақалар уюштирдик. Унда кўплаб аъзолар фаол қатнашди. «Маънавият соатлари»ни белгиланган тартибда ўтказиб келяпмиз.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш туман кенгаши олдида турган долзарб вазифалардан саналади. Шу мақсадда бошланғич ташкилотлар раисларининг билимини мустаҳкамлаш, улар масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақсадимиз битта, токи ҳар бир меҳнаткаш ўз ҳаётида касаба уюшмалари ўрни ва ролини ҳис этсин.

Моможон ЮСУПОВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши раиси

Пахта – 2014

Сурхондарё вилоятида жорий йилда уч минг 481 фермер хўжалиги «Наманган-77», «Бухоро-102», «Султон», «Бешқаҳрамон» каби воҳа иқлимига мос, эртапишар ва серҳосил ғўза ниҳолларини парваришламоқда.

Мўл ҳосил тараддуди

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, ҳаво ҳарорати нисбатан юқори бўлаётган айни кунларда омилкор фермерлар мавжуд майдонлардаги ниҳолларни тажрибали деҳқонлар маслаҳати асосида парвариш қилиб, мўл ҳосил олишни мўлжаллаётир. Бунинг учун экин майдонлари 2 минг 136 техника ёрдамида культивация қилинмоқда. Қатор ораларини юмшатиш, тунги суғориш ишлари тез ва сифатли амалга оширилаётир. Маҳаллий ўғит билан озиқлантириб, экин майдонларида намликни узоқ муддат сақлаб туришга эътибор кучайтирилмоқда.

Термиз туманида 110 фермер хўжалиги 5 минг 339 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Тумандаги «Ат-Термизий Намуна» фермер хўжалиги 57,7 гектар майдонда «Ҳамкор» ғўза навини парваришлаб, гектаридан 34 центнердан ҳосил олишни режалаштирмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли ҳар йили улкан натижаларни қўлга киритиб келмоқдамиз, — дейди «Ат-Термизий Намуна» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Чоршанбиев. — Ҳосил нишоналарини бир текис сақлаб қолиш учун суғориш, культивация қилиш, ҳашаротларга қарши курашиш ва бошқа дала юмушлари ўз вақтида сифатли олиб борилаётир.

Ҳосил тўплашда масъулиятли дамлар бўлган ҳозирги пайтда туманларда барча агротехник тадбирлар уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

Билимлар синови

Ғолиблар «Қуёшли»га боради

Халқ вазирлиги томонидан Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Билимлар беллашуви»нинг якуний босқичи олдидан матбуот анжумани ўтказилди.

Ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорларини қўйи синфлардан бошлаб аниқлаш, соғлом рақобатни ривожлантириш орқали ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини янада орттириш мақсадида ушбу беллашув ташкил этилмоқда.

Беллашувнинг биринчи босқичида 2 млн.га яқин, иккинчи босқичда 360 мингга яқин ўқувчининг иштирок этгани ҳам тадбирнинг қамров доирасидан дарак бериб турибди.

Ниҳоят, якуний — республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва пойтахтимиздан саралаб олинган 520 нафар ўқувчи ўз билимини синовдан ўтказмоқда.

«Билимлар беллашуви»нинг очилиш маросимида давлат мукофотлари совриндорлари, соҳа мутахассислари, отаоналар, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Дарвоқе, республика босқичи қатнашчилари Чимён қўрғонида жойлашган «Қуёшли» болалар оромгоҳида ҳордиқ чиқариш имкониятига ҳам эга бўладилар. Эътиборли жиҳати, ҳар бир фан бўйича етакчи фан арбоблари, маданият ва санъат вакиллари иштирокида учрашув ҳамда суҳбатлар, турли викториналар, маҳорат дарслари, шунингдек, яна кўплаб фойдали тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

— Фарзандларимизнинг билимга чанқоқлигини кўриб, қувонасан киши. Бундай беллашувлар ўқувчиларимизни янада руҳлантиради, келажакка дадил одим ташлашга ундайди, — деди Ҳазорасп тумани 2-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Барногул Ражабова.

Тадбирда Халқ таълими вазири У.Иноятов иштирок этди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Аҳмад ТЎРА олган суратлар

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

Июл — декабр ойлари учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Ishonch
2014-yil 17-iyun № 74 (3423)



Қулай сармоявий муҳит самараси

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида саноатни ривожлантириш, корхоналарни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида юртимизда маҳсулотларни қайта ишлаш, юқори қўшимча қийматга эга тайёр товарлар ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб бораётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 17 августдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган «Global Komsco Daewoo» корхонаси ана шундай изчил чора-тадбирлар самарасидир.

Янгийўл туманида фаолият олиб бораётган мазкур корхона тўла Жанубий Корея сармояси асосида тузилган. Бу ерда илғор технологиялар асосида пахта целлюлозаси ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотдан турли тармоқларда, хусусан, қоғоз саноатида кенг фойдаланилади.

Франция, Жанубий Корея ва Хитойдан келтирилган замонавий ускуналарда тайёрланаётган юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар харидорлар ишончини қозониб улгурган. Маҳсулотларнинг асосий қисми Жанубий Корея, Хитой, Индонезия, Германия, Франция, Нидерландия, Италия, Россия, Беларус каби қатор мамлакатларга экспорт қилинади.

— Жаҳон бозорида харидоргир бўлган Ўзбекистон пахтаси маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминламоқда, — дейди «Global Komsco Daewoo» корхонаси департамент директори Ким Вон Сук. — Ўзбекистонда хорижий ишбилармонлар фаол ва муваффақиятли бизнес юритиши учун барча шароит, қулай сармоявий муҳит яратилган. Корхонамиз 2017 йилгача даромад солиғи, мол-мулк солиғи, Республика йўл жамғармасига тўланадиган мажбурий тўловлардан, шунингдек, баъзи бож тўловларидан озод этилган. Ўзбекистонда муваффақиятли иш юритиш учун энг катта омил — бу мамлакатингизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталиқдир. Ўзбекистондек тинч, фаровон, изчил ривожланиб бораётган мамлакатда иш юритаётганимиздан хурсандмиз.



«Global Komsco Daewoo»да ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб бораётир. Мисол учун, 2013 йилда ушбу корхона томонидан 5,5 минг тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 8 минг тоннадан ошириш режалаштирилган.

Маҳсулот сифатини назорат қилиш энг замонавий ускуналар ва ёрдамчи воситалар билан жиҳозланган махсус лабораторияда амалга оширилмоқда.

Корхонада 250 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Улар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган, «устоз-шогирд» анъаналари асосида ёшларга сабоқ бериш йўлга қўйилган.

— Тошкент автомобил йўллари касб-ҳунар коллежини тамомлаб, мазкур корхонага ишга жойлашдим, — дейди ёш мутахассис Сардор Алметов. — Ана шундай илғор корхонада меҳнат қилаётганимдан хурсандман. Келгусида ўқишни давом эттириб, етук мутахассис бўлиш, мамлакатимиз саноати равнақига ҳисса қўшиш ниятидаман.

Корхона жамоасининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Уларнинг юксак интеллектуал салоҳияти «Global Komsco Daewoo» фаолиятининг изчил ривожланишига кўмаклашмоқда.

Корхона жамоаси келгусида жаҳон бозорида талаб юқори бўлган лиоцелл толаси ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Дунёнинг саноқли давлатларида тайёрланадиган ушбу маҳсулот тури ўта чидамли бўлиб, саноатнинг турли тармоқларида кенг қўлланилади. Ундан, хусусан, автомобилсозлик ва тўқимачилик саноатида фойдаланишнинг самараси юқори.

Мамлакатимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар чет эллик ишбилармонлар билан, хусусан, Жанубий Корея бизнесменлари билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига, иқтисодиётимизнинг янада юксалиб, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Суратларда: «Global Komsco Daewoo» корхонасида.

ЎзА фотомухбири Муҳаммад АМИН олган суратлар

Сўлим гўша сеҳри

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мадина Ҳазратова:

— Қоракўл туманиданман. 7-синфга кўчдим. Укам Азамат билан оромгоҳга биринчи марта келишимиз. Ушбу маскан бизга жуда ёқди. Ётоқхоналар ва улардаги жиҳозлар янги. Тўгаракларда ҳунар ўрганамиз. Шеър ёдлаш ва китоб ўқишни яхши кўраман. Кеча Сабоҳат Саъдуллаеванинг «Қўнғироқ» китобини ўқиб тугатдим.

Улуғбек Ахтамов:

— Олот туманиданман. Бундан 3 йил илгари ҳам шу масканда дам олган эдим. Аммо бу йилги шароит жуда зўр бўлибди. Мазза қилаяпмиз. Барча спорт тўгарагига қатнашаман. Сувда сузиш жону дилим. Кўплаб дўстлар орттираяпман.

Дилноза Ғайбуллаева, 32-«Меҳрибонлик» уйи тарбиячиси:

— Режага кўра ушбу мавсумда 96 нафар тарбияланувчимиз «Ёш пахтакор»да дам олади. Ҳозир уларнинг 26 нафарини олиб келганмиз. Яратилган шарт-шароитлардан мамнунмиз. Яқинда Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Маҳмуд Намозов ва бир гуруҳ ёш санъаткорларнинг бу ерга келиб концерт ташкил этгани унутилмас воқеа бўлди.

Ўғилой ҚАҲҲОРОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултетининг 1-босқич талабаси

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз Яккабоғ туманининг Хўжаилғор қишлоғида туғилган. Шунинг учун бу туманда улуғ бобокалонимиз номига қўйилган жойлар кўп. Биз ҳар йили ёзда мириқиб ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳ ҳам «Соҳибқирон» деб аталади.

Зерикишга вақт йўқ

Оромгоҳда асосан «Толлимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси ишчи-ходимларининг фарзандлари дам олишади. Отам Шодиёр ака шу корхонада ишлагани боис беш йилдан буён мазкур оромгоҳга келаман.

Бу йил оромгоҳ ҳомийлари бизга муносиб совғалар тайёрлашибди. Яъни, янги ётоқхоналар қурилибди, йўлакларга асфалт ётқизилибди. Таъмирлаш ишларидан сўнг қадрдон масканимиз янада гўзаллашган.

Уюштирилаётган тадбирлар ҳам хилма-хил. Дам олувчилар «Ким эпчил-у ким чаққон?», «Балли, йигитлар», «Соҳибқирон маликаси» кўрик-танловларида иштирок этиб, ўз маҳоратини намойиш этиш имконига эга. Бундан ташқари, еттита тўгарак бўш вақтимизга мазмун бағишлайди. Кутубхонада қизиқарли китобларни мутолаа қиламиз.

Хуллас, «Соҳибқирон» оромгоҳида зерикишга вақт йўқ. Биз, бир гуруҳ ўғил-қизлар ёзда мириқиб дам оляпмиз. Бундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

Науфал ХОЛЛИЕВ,
Қарши тумани Хонобод қишлоғи

Узун тумани марказидаги Холмуҳаммад Қулниёзов номли оромгоҳда ҳам ўғил-қизлар мириқиб дам олишмоқда.

Мириқиб дам олишмоқда

Айтиш жоизки, Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги мазкур оромгоҳни мавсумга тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди. Туман ҳокимлиги томонидан ажратилган 3 млн. 700 минг сўмлик ҳамда қатор ҳомий ташкилотларнинг беғараз ёрдами эвазига спорт майдончалари, дам олиш хоналари, ошхона, душ, бассейнлар, жиҳозлар сифатли таъмирдан чиқарилди. Қарийб 10 йилдан буён оромгоҳга директорлик қилиб келаётган Ҳикматулло Шаймардонов ва бош ҳисобчи Жамшид Жумаевнинг саъй-ҳаракати туфайли сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари захира қилинди. Айни вақтда халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган илғор педагог ва ишчи-ходимларнинг 250 нафар ўғил-қизи мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. Уларнинг 10 нафари кам таъминланган ходимларнинг фарзандлари.

Оромгоҳда тонг саҳардан болажонларнинг шўх-шодон кулгуси янграйди. Бадантарбиядан бошланадиган машғулотлар кечки дам олиш концерти билан ниҳоясига етади. Овқатланиш билан боғлиқ танаффуслару дам олиш соатларини айтмаганда, қолган вақт ўғил-қизлар турли машғулотлар, кўнгилочар ўйинлар, қизиқарли мусобақалар билан банд бўлади. Айниқса, Мафтуна Пардаева, Шаҳноза Бердиева сингари тарбиячилар ҳамроҳлигида Тўпаланг дарёси бўйига саёҳатга олиб чиқилаётгани болажонларга жуда хуш ёқмоқда. Шунингдек, Оқостона бобо зиёратгоҳига ташриф уларда бир олам таассурот қолдирди. Бундан ташқари, футбол, волейбол, баскетбол, югуриш, сакраш беллашувлари, шахмат-шашка мусобақалари, «Ким билағон?», «Ким кўп эртак айтади?», «Биз буюк юрт фарзандларимиз», «Оромгоҳ гўзали» каби кўрик-танлов ва кўнгилочар ўйинлар, викториналар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга, билим ва дунёқарашини оширишга хизмат қилаётир.

Педиатр Нормурод Эргашев, ҳамшира Зебо Алимардонова дам олаётган болаларнинг соғлигига масъул. Ошхонада тайёрланаётган таомлар, яхна ичимликлар сифати ҳамда тозалик-озодаликка риоя қилинишини ҳам улар доимий назоратдан ўтказиб туришибди.

— Бу мавсумда оромгоҳимизга дам олувчилар ҳар йилдагидан кўп келади, — дейди оромгоҳ директори Ҳикматулла Шаймардонов. — 4 навбатда жами 1000 нафар болани дам олдиришни режалаштирганмиз. Оромгоҳда дам олувчилар учун барча қулайлик яратилган. Инглиз тили фани тўгараги ишлаб турибди. Болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариши, таътилни эсда қоларли ўтказиши учун бор имкониятдан фойдаланамиз.

Ўз мухбиримиз

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танловига

1.

Юртимизда барча соҳалардаги каби спортда ҳам улкан ютуқларга эришилмоқда. Ҳар қадамда барпо этилган спорт иншоотлари ва уларда машғулотлар ўтказаётган ёшларимизни кўриб, ҳавасингиз ортади. Вакилларимизнинг халқаро майдонлардаги шиддатли қадамлари туфайли Ватанимиз довруғи дунёга ёйилмоқда.

2.

Туркманистон Лебап вилояти ҳокимлиги спорт ишлари қўмитаси раисининг ўринбосари, Туркманистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Муродбой Қобулов шундай дейди:

— Меҳр-мурувватли ўзбек қариндошларимиз юртида, мустақил Ўзбекистонда спортга бўлган юксак эътибор беихтиёр қалбимни жунбушга солади. Бу ўлкада турли спорт мусобақалари муносабати билан кўп марта бўлганман. Бир гал Термиз шаҳрида 2011 йилнинг октябрида бўлган кураш бўйича турнирда Туркманистон спортчилари делегациясининг раҳбари сифатида иштирок этгандим. Бу улкан спорт байрамида ўзбек спортининг, айниқса, миллий курашининг аҳамиятини теран ҳис қилдим. Буюк ислоҳотлар раҳнамоси сифатида танилган Президент Ислом Каримов айни вақтда ўзбек курашини халқаро спорт тури даражасига кўтарганлиги ҳаммамизнинг фахримиздир. Эътибор беринг-а, ана шу эзгу ҳаракат туфайли ўзбек миллий кураши билан боғлиқ Халқаро кураш Ассоциациясига дунёнинг 121 мамлакати аъзо бўлиб, ўз юртларида курашни ривожлантиришга катта эътибор беришмоқда. Термиздаги турнир жараёнида Ўзбекистоннинг довруқли полвонлари, жумладан, Махтумқули Маҳмудов, Акобир Қурбонов, Ришод Собиров, Камол Муродов сингари жаҳон чемпионлари билан яқиндан танишиб, дилдан суҳбат қурдик, тажрибаларимиз билан ўртоқлашдик. Ўйлайманки, бу танишув абадий дўстликка айланиб қолади, уларнинг ютуқлари бизнинг шижоатли полвонларимиз учун ҳам ибрат бўлади...

3.

Дарвоқе, ўзбек миллий кураши бугун дунёвий моҳиятга эга бўлиб қолди. Курашимизга, курашчи полвонларимизга хос «ҳалол», «чала», «ёнбош», «дакки», «мард бўл», «ғирромлик ярамайди» сингари ўзбекча сўз ва иборалар жаҳон спорт майдонлари ва шоҳсупаларида янграб турибди.

Ўзбек спортининг фахрли намояндаларидан бири — Бухоро олимпия захиралари спорт коллежининг директори, самбо кураши бўйича олти марта жаҳон ва Осиё чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» кўкрак нишони соҳиби Шуҳрат Хўжаев одамлар орасида самимий, мард ва адолатли инсон сифатида ҳурмат-иззат қозонган. У жаҳон спорт ареналаридаги мусобақаларда қатнашиб, муносиб ютуқларга эришаркан, бунда улуғ пирлар руҳи мадад беришини кўп таъкидлайди. Айниқса, Паҳлавон Маҳмуд унинг учун жуда азиз.

Баркамоллик жавҳари

(Давоми 4-саҳифада).

Касаба сайр

Зиёрат инсон кўнглини поклайди. Тарихий шаҳарларда бир бор бўлган киши яна қайта боргиси келаверади.

САЁҲАТ ЗАВҚИ

«Касаба сайр» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда тармоқ ходимлари, касаба уюшма фаоллари ва фахрийларидан иборат 30 кишининг қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳатини ташкил этдик. Тарихий обидалар, замонавий иншоотлар, айниқса, мустақиллик йилларида барпо этилган диққатга сазовор жойларни томоша қилиб, қалбимизни чексиз ғурур эгаллади. Тезюрар «Афросиёб» поезди йўл машаққатини енгиллаштирди. Ушбу сайрдан бир олам таассурот билан қайтдик.

Музаффар ДАВЛАТОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ўрта Чирчиқ туман кенгаши раиси

ЎЗ КАСБИНИНГ МОҲИР ЭГАЛАРИ

Уйчи туманида «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови ўтказилди. Унда 35 нафар иштирокчидан уч нафари вилоят босқичига йўлланма олди. Ғолиблар муносиб тақдирланди.

Суратда: *ғолиб, 14-умумтаълим мактаби директори Ақидахон Қосимовани тақдирлаш жараёни.*

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Тадбир

Фарғона шаҳрининг Қиргули шаҳарчасидаги «Кимёгар» ёшлар маданият марказида болажонлар учун байрам тадбири ўтказилди. Унга иқтидорли болалар, «Меҳрибонлик» уйи, махсус мактаблар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф этилди. Шодиёнада вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Зуфар Султонов сўз олиб, ушбу тадбир «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор» шиори остида ўтказилаётгани, эртамиз эгалари бўлган ўғил-қизларга янада кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиш зарурлигини таъкидлади.

Яйрасин, кулсин кўнгил

Ёзги амфитеатрда хушовоз хонандалар куйлаган қўшиқлар, раққосалар ижро этган дилрабо рақслар барчага шодлик улашди. Айниқса, жажжи истеъдод эгаларининг чиқиши олқишларга сазовор бўлди. Кичкинтойлар ҳомийлар томонидан музқаймоқ ва ширинликлар билан сийланди.

Байрамда театрлаштирилган томошалар, болалар иштирокида турли қизиқарли ўйинлар, беллашувлар ташкил этилди.

Шу куни билимлар беллашувлари, фан олимпиадалари ғолиблари, турли спорт мусобақалари ва кўрик-танловларда фаол иштирок этган иқтидорли ёшларга вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Турли аттракционлар болажонлар хизматида бўлди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Етти хазинанинг бири

Ойбек асаларичиликни касб этган оилада дунёга келди. У шу ишни давом эттираётган олтинчи авлод. 5-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ бобоси ва отасига эргашиб, асаларичилик сир-асрорларини ўрганди.

Соф Осиё асали

Бугун «Соф Осиё асали» хусусий корхонасида 200 оила асалари парваришланмоқда. Жами 20 нафар (10 нафар мавсумий) ишчи қанотли жониворлар қарови билан банд. Асалари оилалари эрта баҳордан кеч кузгача Сангардак, Хонжизадаги боғлар ва бепоён пахтазорларда бўлиб, ҳосилга ҳосил қўшади ва... бол йиғади. Ўтган йил 4 тонна асал етиштирилди. Соф фойда 40 млн. сўмдан ошди.

Ишчиларга иш ҳақи ўз вақтида тўланмоқда. Унумли меҳнат қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Меҳнат муҳофазаси учун махсус кийим-бош, пойабзаллар берилган. Бундан ташқари, белгиланган жадвал асосида таътилга чиққан ишловчиларга бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилаётир.

Айни пайтда Ойбек асалари оилаларини кўпайтириш ҳаракатида.

— Намунали парваришланган асаларининг биттаси бир кеча-кундузда 2,5 мингтагача тухум қўяди. Она асалари кўпроқ авлод қолдириши (авлодини кўпайтириши) учун озуқаси етарли бўлмоғи шарт. Шунинг учун қутиларда тўпланган асалнинг октябр ойидан кейингисини қолдирамиз. Шунда асаларилар оч қолмайди, қишдан соғлом, беталофат чиқади, — дейди у. — Ҳар замонда шакар унидан тайёрланган қиём бериб турилади.

Етиштирилган асал турли ҳажмдаги ихчам, бежирим полиэтилен пластмасса идишларга қадоқлаб сотувга чиқарилади. Бундай идишлар шу пайтгача турли жойлардан келтириларди, эндиликда эса шу ерда тайёрлашга жазм этилди. Шу мақсадда Тошкентдаги «Арслон пласс» хусусий корхонаси билан шартнома имзоланди. Яқин кунларда зарур ускуналар Узун туманида ҳозирланган махсус хоналарга ўрнатилади ҳамда 300 граммдан 1 литргача сиғимли пластмасса идишлар ишлаб чиқарилиб, Сурхон воҳасининг асаларичиларига, шунингдек, сутни қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилади. Натижада, ҳар йили сарфланадиган миллион-миллион сўм маблағ вилоятнинг ўзида қолади. Асбоб-анжомларни келтириш, шакар харид қилиш ва асаларичиликни янада ривожлантириш учун корхонага инвестиция дастурига асосан «Қишлоққурилиш» ОАТБдан 100 млн. сўм кредит ажратиляпти. Шу йилнинг июн ойигача 4 мингтадан зиёд асалари оиласини кўпайтириб, Россиянинг Курган вилояти Кетавский туманида фаолият юритаётган асаларичиликка ихтисослашган фирмага етказиб бериш бўйича битим тузилди. Ҳозиргача 1750 оила асаларининг ҳар оиласи учун 13 АҚШ доллари 74 центдан, жами 24 минг 45 АҚШ доллар миқдорида ҳақ тўланди. Октябр ойигача мўлжалдаги асалари оиласи етказиб берилса, 60 минг АҚШ доллари миқдорида даромад кўрилади.



Шу йилдан бошлаб, Сурхондарё вилоятидаги қишлоқ врачлик пунктлари жамоалари зиммасига асаларичиликни ривожлантириш вазифаси юклатилган. Шунга кўра, «Соф Осиё асали» хусусий корхонаси КВПларга ҳам карпат зотли асалари оилаларини кўпайтириб сотиши керак. Шу мақсад учун Полшадан она ариларни сунъий қочириш технологиясини келтириш бўйича шартнома имзоланди. Ойбек Сулаймонов (саноати ривожланмаган вилоятлар учун асаларичиликни ривожлантириш усулларини ўргатиш Евроиттифоқ гранти бўйича) Германия сафарига ҳозирлик кўраяпти. У хорижда асаларичиликни ривожлантиришка доир ибратли ишлар билан танишиб қайтади.

— Айтишларича, бобом асаларичилик билан шуғулланганда, етарли шароит бўлмаганлиги боис пишиқ ғиштдан қути ясаб, асалари боққан ва уни чўпаклар билан йиғиб олган, — дейди Ойбек. — Истиқлол шарофати туфайли бизнинг имкониятларимиз кенгайди. Россиялик, германиялик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қиляпмиз.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Матбуот анжумани

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик, идоралар билан ҳамкорликда тўқимачилик ҳамда енгил саноатнинг 2014-2020 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепциясини ишлаб чиқди.

Экспорт салоҳияти ортади

Унга мувофиқ 2020 йилга бориб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,97 трлн. сўмга етади. Натура ҳолида маҳсулот ишлаб чиқариш, шу жумладан, ип калава 218,3 минг тоннадан 562,8 минг тоннага, ип газлама 120 млн. кв. метрдан 340 млн. кв. метрга, трикотаж матолар 40,6 минг тоннадан 110,5 минг тоннага, трикотаж буюмлари 138,6 млн. донадан 296 млн. донага, тикувчилик буюмлари 6,1 млн. донадан 20,1 млн. донага кўпаяди.

2010-2013 йиллар мобайнида компания миқёсида 108 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиб, 4 йил давомида 570,3 млн. доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш кўзда тутилган эди. Амалда бу кўрсаткич 620,8 млн. долларга етказилиб, 108,9 фоизга бажарилди.

Жорий йил якунлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,59 трлн. сўмга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса 1035,7 млрд. сўмга ортиши кутиляпти. Шунингдек, енгил саноат маҳсулотларининг номенклатуралари бўйича ишлаб чиқаришда катта ўзгаришларга эришилади.

Иқтисодиёт тармоғи ривожланишининг асосий омилларидан бири, бу маҳсулот экспортидир. 2010-2013 йилларда экспортга сотиладиган маҳсулотлар номенклатураси 21 тадан 27 тага кўпайди, импортёр давлатлар сони 43 тадан 50 тага, экспортёр корхоналар сони 123 тадан 250 тага ортди. Маҳсулот экспорти эса 161 фоиздан 195 фоизга ошди.

«Енгил саноат корхоналарини техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилган ишлар, экспорт сиёсатини такомиллаштиришдаги устувор вазифалар» мавзуидаги матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Компания вакиллари ва соҳа мутахассислари журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Фермер ва замон

Шарофат опа ҳар галгидек барвақт уйғониб, гулзор оралади. Ранго-ранг гуллар ифори баҳри-дилини очди. Хушнудлик туйиб, рўзғор юмушларига уннади.

Меҳнат одамни улуғлайди

У Холмурод ака билан турмуш қуриб, кам бўлгани йўқ. Фарзандлари элнинг олди бўлиб вояга етди. Ўзларидан кўпайиб бир этак набирали ҳам бўлишди. Кўпчилик бу оилага ҳавас қилади.

Шарофатнинг боши меҳнатдан чиққан эмас. Далада ишлаб, деҳқончиликнинг тоза ҳадисини олди. «Зоҳид Холмўминов» фермер хўжалигини эса 2011 йилда ташкил этди. Осон бўлгани йўқ, албатта. Бироқ чарчадим, демади. Кўплаб шогирдлар етиштирди. Талай ёшлар унинг маслаҳати ва ёрдами билан кўчат етиштириш сир-асрорларини ўзлаштириб олди. Тракторчи Сафар Турсунов опани устоздек эъзозлайди. Чунки ундан кўп яхшиликлар кўрди.

Эрта кўклам эди. Бир чеккада ўйчан турган ўспирин опанинг эътиборини тортди.

- Ҳа ука, тинчликми?

- Тайинли иш йўқ, бирон бир касбнинг этагини тутолмай ҳайрон бўлиб юрибман.

- Э, шундайми, бу ёққа юр-чи.

У йигитчани фермер хўжалигига бошлаб келди. Маслаҳат ва кўмагини аямади. Механизаторлик касбини ўрганишга йўллади. Натижа чакки бўлмади.

Айни пайтда фермер хўжалигида иш қизғин. 50 киши 15 гектар майдондаги боғда манзарали ва мевали дарахт кўчатлари етиштирмоқда. Жорий йилнинг ўтган уч ойида олинган соф фойда 20 миллион сўмни ташкил этди.

Айтганча, Жиззах туман «Олмачи» маҳалласида жойлашган «Зоҳид Холмўминов» фермер хўжалиги етакчиси Шарофат Нориева «Ташаббус — 2014» танловининг республика босқичида қатнашиб, ҳам эл назарига тушди, ҳам ўзига бўлган ишончи ортди. Муҳими, орзулари янада қулф урди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Савол: Бозор ҳудудида ичиш учун тоза ичимлик суви қувури — водопровод йўқ экан. Маъмурият вакилларидан сўрасам: «Газли сув сотиб олинг», дея жавоб берди. Шу тўғрими? Умуман, замон талабига жавоб берадиган бозор қандай бўлиши керак?

А. ТУРҒУНОВ,
Бўка тумани

Бозор қандай бўлиши керак?

Дарҳақиқат, бугун юртимизда кўплаб замонавий савдо мажмуалари бунёд этиляпти. Мавжудлари аҳоли талабига мослаштирилмоқда. Бироқ, газетхонимиз таъкидлаганидек, баъзан бозордаги шарт-шароитдан кўнгил тўлмайди. Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ижро этувчи аппарати матбуот ва ахборот сектори мутахассиси Гавҳар Сагатовага мурожаат қилдик.

— Мамлакатимизда жорий этилган қоидаларга кўра янги бозор қурилаётганда ёки мавжуди таъмирланаётганда қурувчилар олдига қўйидаги талаблар қўйилади, — дейди Г.Сагатова. — Аввало, савдо майдони асфалтланган бўлиши керак (мол бозорларидан ташқари). Бу харидорларга қулайлик яратиш билан бирга, сотилаётган маҳсулотларнинг сифатига салбий таъсир этувчи омилларни (ёғингарчилик, чанг) ҳам бартараф этади. Ҳудуд яхши ёритилиши, ёндош ҳудуддан тўсиқ билан ажратилиши, савдо майдонига алоҳида кириш ва чиқиш жойи бўлиши лозим. Кириш ва бошқа кўринарли жойларда бозорнинг номи, ихтисослашуви ва иш тартиби давлат тилида ёзилган пешлавҳа ўрнатилиши зарур. Жиҳозланган ва тартиб рақамлари қўйилган турғун ҳамда мавсумий савдо расталари ва савдо қилиш учун жойлар, турғун савдо шохобчалари (жумладан, павилонлар, киосклар) бўлиши шарт. Бозор объектларининг жойлашиш схемаси кўринарли жойга осилиши талаб этилади. Объектлар, шунингдек, бозор расталари ва савдо ўринларининг жойлашиши харидорларнинг бозорда эркин юриши ҳамда савдо расталари ва керакли жойларга бемалол боришини таъминлаши керак.

Озиқ-овқатлар билан савдо қилинадиган бозорларнинг бир неча жойига назорат тарозилари жойлаштирилади. Истеъмолчилар учун овқатланиш жойи, чанқоқ босиш ёки шунга ўхшаш вазиятлар учун (водопровод) сув жўмраклари ва ҳожатхоналар ишлаб туриши лозим. Таъкидлаш лозимки, бозор маъмурияти томонидан сотувчи ва бозор ҳудудида фаолият юритадиган ходимлар ўртасида доимий равишда истеъмолчилар билан бўладиган олди-сотди жараёнига оид «Муомала маданияти» мавзуида суҳбатлар ўтказиб бориш тавсия этилади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Реклама ўрнида

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакилларига қулай шарт-шароит яратиш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини таъминлаш борасида оқилона сиёсат олиб борилмоқда.

AGROBANK

Банк кредитлари фаровонлик хизматида

Хусусан, «Агробанк» ОАТБ Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси шаҳар ва туман филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 5 ойи давомида жами 12 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар ҳисобига 440 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳисобот даврида бошқарма томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даврида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчиларга 3,5 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 2,3 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Музаффар Эгамбердиев,
«Сухроб-Зоҳид» хусусий корхонаси раҳбари:

— Айни пайтда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш мақсадида қатор имтиёз ва қулайликлар яратилган. Мен ҳам ушбу имкониятлардан фойдаланиб, гигиеник қоғоз, рубероид ва полиэтилен труба ишлаб чиқариш ҳамда тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида «Агробанк» ОАТБнинг Бўстон филиалидан 150 млн. сўм миқдорида кредит маблағи олдим. Кредит ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйишим натижасида 24 киши доимий иш жойига эга бўлди. Улардан 4 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Келгусида ишлаб чиқариш фаолиятимизни кенгайтириб, янги иш ўринлари ташкил этишни режалаштирганмиз.

***

Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашиш бўйича 2014 йилнинг 5 ойи давомида банк томонидан жами 1,3 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун «Тадбиркорлик соҳасида яратилган имтиёзлар, банк хизмати турлари, жумладан, кредит ажратиш шартлари ҳамда бизнес режа тузиш асослари» мавзуларида ўқув-семинарлар ўтказиб келинмоқда. Уларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан 250 млн. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди, ушбу ажратилган кредит ҳисобига 39 та янги иш ўрни яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш дастурига кўра замонавий технологиялар асосида жиҳозланган, суткасига 50 тонна унни қайта ишлаш тегирмони ҳамда ёрма ва переловка ишлаб чиқариш цехларини қуриб ишга тушириш учун «Чимбой дон» ОАЖга 2 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикасида йирик саноат корхоналари талайгина. Уларнинг бир маромда фаолият кўрсатиши, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши нафақат мамлакатимиз иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади, балки ҳудудда кўплаб иш ўринлари яратилишига, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришига туртки бўлади. Шу боис банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва филиаллари бундай корхоналарни доимий равишда молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан жорий йилнинг ўтган даврида 8,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Натижада, ҳудудда бир қанча йирик саноат корхоналари иш бошлаб, 48 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз тараққиётида тадбиркорликнинг ўрни муҳим. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг ушбу фаолият билан шуғулланиши учун барча имконият ва шарт-шароит яратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётганлигидан, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва самарадорлиги юксалаётганлигидан далолатдир.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ



Реклама ва эълонлар

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Марказ-2, 5-уй манзилида жойлашган умумий майдони 3457 кв.метрга тенг бўлган собиқ «Болалар дунёси» универмаги биноси.

Бошланғич нархи — 10 917 808 463 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Марказ-2, 5-уй манзилида жойлашган собиқ «Болалар дунёси» универмаги биносига туташ бўлган умумий майдони 223 кв.метрга тенг бўлган савдо дўкони биноси.

Бошланғич нархи – 715 131 355 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй. Тел/факс (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 21 июл куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А»уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 4, 18 август ва 3 сентябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч» телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 17-iyun № 74 (3423)

ДЗЮДО

Дзюдо бўйича Ўзбекистон паралимпия терма жамоаси Литва пойтахти Вилнюс шаҳрида ўтказилган йирик халқаро турнирда 5 та олтин, 2 та кумуш ва бронза медалини қўлга киритиб, йигирма давлат вакиллари орасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА – БИРИНЧИ!

Қувонарлиси, юртимиз полвонлари жамоавий беллашувларда ҳам барча рақибларидан устун келиб, бош совринни қўлга киритишди.

Мазкур халқаро турнирда Россия, Украина, Мексика, Озарбайжон, Италия, Жазоир каби етакчи терма жамоалар баҳс юритишгани учун ҳам юқоридаги ғалабалар янада қадрлидир.

Энди дзюдочиларимиз 1-7 сентябр кунлари АҚШда ўтказиладиган Жаҳон чемпионати ва Инчеонда бўлиб ўтадиган ПараОсиё ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Шунингдек, паралимпиячиларимиз енгил атлетика бўйича Тунис давлатида бошланадиган халқаро турнирда иштирокларини бошлайди. Ушбу мусобақада Инчеонда ўтказиладиган ПараОсиё ўйинларининг йўлланмалари ҳам ўйналади.

Дарвоқе, бугунгача ўн бир ҳамюртимиз ПараОсиё ўйинлари лицензияларига эга бўлиб, шундан еттитаси енгил атлетикачиларга тегишлидир. Таъкидлаш жоизки, енгил атлетикачилар Тунис турнирида ҳам йўлланмаларга эга чиқишни ўз олдиларига мақсад қилганлар.

КУРАШ



Бирлашган кураш усуллари халқаро ассоциациясининг (FILA) ижроқўм аъзолари томонидан ташкилотнинг номини Бирлашган дунё курашлари (UWW) деб ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилинди. FILA махсус сайтида маълум қилинишича, ташкилотнинг логотипи ҳам ўзгаради.

«FILA»ДА ЎЗГАРИШЛАР

Ташкилот номи ва логотипини ўзгартириш бўйича ижроқўм аъзолари томонидан қабул қилинган қарор жорий йилнинг 7 сентябр куни Тошкент шаҳрида ўтказиладиган FILAнинг йиллик Конгрессида тасдиқланиши зарур.

Ўз мухбиримиз

Баркамоллик жавҳари

(Давоми. Бошланиши 2-саҳифада).

— Чинакам спортчи, курашчи полвон Махтумқулининг номини, мағзида тантилик ғоялари ётган шеърларини яхши кўради, — дейди Шуҳрат Хўжаев. — Боиси, Махтумқули бобомиз гарчи Паҳлавон Маҳмуд каби елкаси ер кўрмаган полвон бўлмаган эсада, полвончасига ҳалоллик ва дангаллик билан қалам тебратган.

Айтиш жоизки, Шуҳрат Хўжаев неча йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган Бухоро олимпия захиралари спорт коллежи республика миқёсида ҳам ўзига хос ўринга эга. Нафақат Бухоро, балки Навоий, Қашқадарё, Хоразм, Қорақалпоғистон ёшлари ҳам ўқийдиган бу даргоҳда вилоят ва республика миқёсидаги чемпионлар, спорт усталигига номзодлар, турфа мусобақалар ғолибларининг сони юздан ошади.

— Шогирдларимизни, иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, ҳомийлик кўрсатиш бобида вилоят ва шаҳар касаба уюшма ташкилотларининг ташаббускорлиги анча салмоқли эканлигини биз ҳамиша мамнуният билан таъкидлаймиз, — дейди Ш.Хўжаев.

4.

Бухоро давлат университети жисмоний маданият факултети декани, педагогика фанлари номзоди, доцент Баҳодир Маъмуров мени ҳар йили ўзлари ўтказадиган «Жисмоний тарбия ва спортнинг долзарб масалалари» мавзуидаги илмий-амалий конференцияга чақирди. Борарканман, факултетда аллақандай тантанавор руҳ ҳукмронлигини сездим.

— Э, домлажон, сал олдинроқ келганингизда эди, ажойиб тадбир устидан чиқардингиз-да. Университетимиз ректорининг таклифи билан факултетимизнинг собиқ талабалари бўлган Аббос Атоев ва Ришод Собиров каби жаҳон чемпионлари билан жамоамиз аъзоларининг учрашуви бўлиб ўтди, — деди мамнунлик билан Баҳодиржон.

Бухоро нефт ва газ саноати коллежининг директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Замир Адизов ёнимизга келди. Маълум бўлишича, жаҳон чемпионлари билан учрашувда бир қатор коллеж ва лицейларнинг спортчи талабалари ҳам қатнашган экан.

— Жисмоний маданият факултети мутахассислари коллежимизнинг яқин ҳомийси ҳисобланади, — деди З.Адизов. — Ўтган йили универсиада спорт ўйинларида Бухоро давлат университети, айниқса, мазкур факултет жамоаси жуда катта жонбозлик кўрсатди. Шу жараёнда коллеж талабалари учун 66 млн. сўмлик ёпиқ сув ҳавзаси ишга туширилди. Бу ишда вилоят ва университет касаба уюшмасининг ҳомийлиги катта бўлди.

5.

Ўзбекистон футболининг таниқли вакилларидан бири Жасур Ҳасанов ўзбек ва туркман халқи дўстлигининг фидойиларидан бири, ҳаётда «Хайри полвон», «Хайри-каратэ» номлари билан танилган спорт раҳнамоси, кураш ва каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони, хизмат кўрсатган спорт устаси Хайри Ҳасановнинг набираси.

— Раҳматли бобом Бухоро тумани спорт ишлари қўмитасини ўттиз йилга яқин бошқарган, — дейди Ж.Ҳасанов. — Туман марказидаги ўйингоҳни қурдириш учун кўп азоб тортган, охири, бу иш мустақиллик даврига келиб тўла ниҳоясига етказилган. Бобом ҳашар йўли, айниқса, туман касаба уюшмаси етакчиларининг ёрдами, беғараз ҳомийлиги билан шу ўйингоҳ четида даволаш-профилактика бўлими, фин ҳаммоми ташкил этган. Спортчилар, кенг аҳоли бу имкониятдан ҳалигача фойдаланиб келмоқда. Бобом мени давраларга, спорт мусобақалари, учрашувларга олиб борарди. Бешинчи синфдалигимда спорт мактабининг футбол бўлимига ҳам қўйди. «Сен, тойлоғим, жаҳон футбол юлдузи Пелени биласанми? — дерди кўпинча. — Келажакда ана ўшандай номдор футболчилар биздан ҳам чиқиши керак».

Бобомнинг сўзларига фаришталар «омин» деган эканми, футбол майдонларида тўп суриш бахтига муяссар бўлдим. Бугунги ҳеч нарсага алмашиб бўлмас эркин давр, спортимиз, бу йўлдаги неки интилиш — ниятимиз бўлса, амалга ошиб турган чинакам шукуҳли ва дориламон кунларга қанчалик шукрона келтирсак оз.

Жасур Ҳасанов хайриҳоҳ инсонлар, асосан, Бухоро туманидаги бобоси бош-қош бўлиб бунёд эттирган ўша ўйингоҳ чеккасида дунёвий стандартлар асосидаги мини футбол ўйингоҳини ташкил этди. Бу ўйингоҳда мактаб ўқувчилари, кам таъминланган оилаларнинг болалари учун фойдаланиш бепул қилиб қўйилган.

6.

Бухоро туманининг Тутчилик қишлоғидан етишиб чиққан Моҳигул Жуманиёзова ҳам спортда катта ютуқларга эришди. У таэквандо бўйича беш марта жаҳон, Осиё чемпиони даражасига кўтарилган.

— Болагинамнинг спортда катта муваффақиятларни қўлга киритгани бизни беҳад қувонтиради, — дея мамнунлик билан сўзлайди Тўйбиби янга. — Фарзандларимизга бундай имкониятларни яратиб берган, қўллаб-қувватлаб келаётган Юртбошимиз ҳамиша омон бўлсин.

7.

Президентимизнинг мамлакатни дунёда спортчалик танитадиган ва машҳур қиладиган восита бўлмаслиги ҳақидаги фикрлари халқимиз ҳаётида ўзининг тўла-тўкис исботини топмоқда. Ҳақиқатан ҳам бугун спорт, жисмоний маданият — умумхалқ иши, кенг омма маданиятининг муҳим ва зарурий қисмига айланди.

Абдуғаффор ХОН,
Ўзбекистон-Туркманистон дўстлик жамиятининг фаоли, адабиётшунос олим, ёзувчи ва таржимон

АНЪАНАНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ...

Бухоро вилояти Вобкент туманида яшовчи Зумрад Умарова момомерос ҳунар — попопчилик анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган ҳунармандлардан.

Дастлаб онаси Руқия Илёсовадан ушбу ҳунар сирларини ўрганган Зумрад бугун ўз устахонасида матоларга қадимги услубда пардоз беришнинг замонавий йўналиши бўйича ўндан ортиқ ёшларга сабоқ бераётир. Ҳунарманднинг маҳсулотлари харидоргир.

Суратда: *(чапдан) ёш ҳунармандлар — Дилноза ва Моҳиситора.*

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Мулоҳаза

Мустаҳкам оила жамият тараққиёти гаровидир. Шунинг учун ҳам юртимизда оилалар барқарорлигини таъминлаш, ёшларнинг никоҳга бўлган ҳурматини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув муассасаларида оила психологияси юзасидан дарс соатларининг киритилиши ҳам бу борадаги устувор мақсадларни амалга оширишдан далолат.

Эр – оила таянчи

Ҳар бир йигит ва қиз оила қурар экан, бир дунё орзу-умидлар қилади. Оиласи қўрғошиндек мустаҳкам бўлиб, фарзандлари камолини кўришни, бир умр роҳат-фароғатда яшашни, қайнона-қайнота ва қариндош-уруғлар билан муносабатларининг мустаҳкам бўлишини хоҳлайди. Аммо буни амалга ошириш учун ҳаракат ва сабр ҳам лозим.

Эътибор қилсак, бугунги кунда ёшларни, хусусан, бўлғуси келинларни оилага тайёрлаш бўйича ўқув курслари кўпайиб бормоқда. Бироқ бу жараёнга йигитларнинг жалб этилиши бироз сустдек. Ваҳоланки, эр оила таъминотчисигина эмас, руҳий мувозанатни тўғриловчи, оила метинлиги гаровидир. У, аввало, ўзидаги олижаноб фазилатлар билан оила салтанатидаги мавқеини тикламоғи ва чинакам тарбиячи вазифасини ўтамоғи даркор. Буни наинки унинг оила олдидаги бурчи, балки маҳалла-кўй ва ватан олдидаги юксак масъулияти ҳам тақозо этади. Негаки, оилада эркакнинг сўзи ҳал қилувчи бўлгандагина тарбияда оқсаш сезилмайди.

Йигит уйлангач, унинг зиммасида ўз оиласи ва хотини, яъни қайнона ва келин муносабатларида самимиятни қарор топтириш вазифаси туради. Ҳолбуки, бу жараённи ўринлатмай янги оилани мустаҳкамлаш қийин кечади. Бунда йигит ўз онасини ҳам, турмуш ўртоғини ҳам тинглай билиши, улар ўртасида низо чиқишига йўл қўймай, фаросат ва тадбир билан иш кўриши, хотинини ҳам, онасини ҳам ўкситмай, аксинча, ўзаро ҳурмат билан бир-бирларига муносабатда бўлишларини таъминлашга интилиши лозим.

Мамлакат ҚУРБОНОВА,
НамМПИ қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси

Тақдимот

Ҳушёрлик — тинчлик гарови

Маънавий-маърифий тафаккуримизни юксалтириш, ақидапарастликнинг ҳар қандай турига бефарқ бўлмаслик — огоҳлигимиз, ҳушёрлик ва Ватанимизга бўлган садоқатимиздан далолат беради.

Ички ишлар вазирлигининг патрул пост хизмати ва жамият тартибини сақлаш бош бошқармасига бевосита бўйсунувчи кинолог ходимлар ва қидирув хизмат ишларини тайёрлаш маркази доимий ва ўзгарувчан шахсий таркиби аъзолари иштирокида «Ислом ва ақидапараст оқимлар» китобининг тақдимотига бағишланган машғулот асноси шу ҳақда атрофлича сўз юритилди.

Китоб муаллифи Жаҳонгир Меликўзиев ушбу асарнинг мазмун-моҳияти ва ҳар бир шахсга ўзининг ғоявий мафкуравий таъсири жиҳатидан муайян даражада содир бўлиши мумкин бўлган турли хуружларга қарши ақл-фаросат билан иш кўришда ички ишлар идоралари ходимлари, айниқса, кинологлар учун аҳамиятли эканлигини таҳлилий мисоллар билан ифодалаб берди.

Марказ ҳар ҳафтада маънавият дарсларини шу куннинг муҳим ижтимоий сиёсат ва ҳуқуқ-тартибот муаммоларига оид мавзулар бўйича ташкил қилмоқда.

Мурувват КАРИМЖОН қизи,
ЎзДЖТУ талабаси

Эл эъзозига не етсин!

Катта йўлдан Қамашига бурилганимизда машинанинг йўлига икки жувон югуриб чиқди. Ҳайдовчи тормозни босиб:
— Нима бало, жондан тўйганмисизлар? — дея ўшқирди.
Жувонлар машинанинг эшигига ёпишди.
— Акажонлар, онамни духтурга кўрсатиш учун олиб кетаётувдик. Деҳқонободданмиз. Юраклари ёмон бўлиб қолди. Жонлари қил устида турибди. Ёрдам беринглар.
Улар йўл четига узала тушиб инграётган кампирга ишора қилишди. Мен ҳайдовчига қарадим, ҳайдовчи эса менга... Момони машинанинг орқа ўриндиғига ётқизиб, шифохона томон шошдик.

Юракларга қулоқ тутиб...

— Юрагимда санчиқ туриб, чап қўлим чаён чаққандек ачишяпти. Ҳаво етишмаяпти, — дея юрагини чангалларди момо.

Кардиология бўлимининг эшигига машинани тўғриладик. Буғдойранг, ўрта бўйли врач ҳамшираларни эргаштириб чиқиб келди ва момонинг юрагини эшитиб кўрди.

— Реанимация бўлимига ҳайданг, — буюрди ҳайдовчига ва ўзи ҳам беморнинг изидан эргашди. — Шошилиш керак.

— Акажонлар, бу ерда бизнинг танишимиз йўқ, — ёлворишди жувонлар. — Бизларни ташлаб кетманглар. Онамизга бирон нарса бўлиб қолса, нима қиламиз?

Кутилган икки соатлик вақт бир кунга татигулик бўлди. Момонинг аҳволи ҳақида ўғилларига хабар бердик. Кўп ўтмай улар етиб келишди. Врач ичкаридан чиқиб:

— Қани момони олиб келганлар? — дея сўради.

Жувонларга қўшилиб, мен ҳам врачнинг пешвозига югурдим.

— Умрларидан бор экан, — шифокорнинг хушхабаридан кўнгиллар таскин топди. — Юраги уч марта уришдан тўхтади. Ўзига келиб қолди. Тезда манови дориларни олиб келинглар-да, Жовли Раҳимов деган духтурга учрашинглар.

— Юраги ёмон экан, узоқ йўлга олиб чиққанингизни қаранг, — врач мени койиди.

— Буларни танимайман. Йўлда учратиб қолдик.

Врач юзимга тикилди ва қўлимни сиқиб алқади:

— Раҳмат сизга. Ҳар ким ҳам бу яхшиликни қилавермайди.

Шу воқеа сабаб бўлди-ю, шифокорга нисбатан кўнглимда илиқлик уйғонди. Учрашиб яқиндан танишиш истагида у ишлайдиган шифохонага келдим. Қирққа яқин бемор қабулига кириш учун навбатда турибди. Шифокор ҳузурига киришга кўзим етмади. Нима мақсадда келганимни навбатда турганларга тушунтиришнинг эса фойдаси йўқ. Иккинчи кун тушдан кейин келдим. Яна ўша тирбандлик.

— Соат 5 ларда келинг, — маслаҳат берди ҳамшира.

Айтган вақтда келдим. Ўн беш чоғли бемор ҳамон навбат кутиб ўтирибди. Мен ҳам улар қаторидан жой олдим. Беморлар Шаҳрисабз шаҳридан, Ғузорнинг Чугуртма, Деҳқонободнинг Терсоқар қишлоқларидан келишган экан.

— Узоқ йўл босиб келибсизлар, ўзларингда ҳам кардиолог врачлар бўлса керак? — сўрадим улардан.

— Даволаниб кетган қишлоқдошларимиз тавсияси билан келдик, — жавоб қайтарди бир акахон.

— Тошкент шаҳридаги кардиология марказига бордим, — суҳбатга қўшилди бошқа бир эркак. — Аҳволим оғир эди. Таҳлиллар топшириб, аппаратларга тушдим. Профессор қоғозларга кўз югуртириб: «Касалингиз жиддий эмас. Шифокорингиз бироз ваҳима қилибди. Менинг манови ёзган хулосамни Йўлдош Қўчқоров деган врачга обориб беринг. Сизни ўша даволайди. Тузалиб кетасиз», деди. Бир марта даволаниб чиқдим. Ҳозир аҳволим яхши. Бир кўринай деб келдим.

Шу орада Шошилинч ёрдам бўлимига врачни чақириб қолишди. Автоҳалокат содир бўлиб, икки кишининг аҳволи жуда оғир экан. Кеч соат 8 да врач билан кўришдим.

— Кириング, кириング... Касал олиб келдингизми?

— Йўғ-е, — дедим жилмайиб ва муддаога ўтдим.

Врач юзимга тикилиб қолди ва суҳбатлашишга рози бўлди.

Йўлдош мактабда ўқиб юрган кезлари учувчиликка қизиқар эди. Ўша пайтлари маҳаллага самарқандлик шифокорлар оиласи кўчиб келгач, фикри ўзгарди. Эр-хотин шифокорлар маҳалладагиларга меҳрибон, саломатлиги учун жонкуяр, хушмуомала, ширинсўз эдилар. Йўлдош эса уларнинг тоза-озода кийиниши, муомаласи, оиласига ҳавас қиларди.

Бу ҳавас бора-бора қатъий мақсадга айланди. 1971 йили у Самарқанд тиббиёт институтига ҳужжат топшириб, талаба бўлди. 1977 йили институтни битириб, Наманган шаҳрига йўлланма олди. 2-шаҳар кардиология бўлимида даволовчи врач бўлиб ишлади. 1981 йили ўзи туғилиб ўсган Қамашига қайтди. Бир йил поликлиникада, 1982 йилдан буён кардиология бўлимида ишлаб, беморлар дардига малҳам улашиб келаётир.

«Кўп вақтингиз беморларни кўриш билан ўтади, дам олишга улгурасизми?» деган саволимга: «Умид билан даво ис-таб келишса, кўрмай бўладими», дея жилмайди.

Катта ўғли Нурбек олий маълумотли, коллежда ўқитувчи. Ойбек Самарқанд тиббиёт институти талабаси, қизи Лобар пойтахтда яшайди, ҳамшира. Турмуш ўртоғи Гулчеҳра Жўраева мактабда рус тили фанидан дарс берган. Ҳозирда пенсияда бўлиш билан бирга, «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғинида маслаҳатчи.

— Мукофотлар кўпдир? — дея сўрайман.

— Ҳар бир беморимдан миннатдорлик эшитганим мен учун катта мукофот, — ғурур билан жавоб қайтаради духтир.

Донишмандлар инсон умрини оқар дарёга ўхшатишади. Дарё ўз соҳилини яшилликка буркаб, заминни обод айлайди. Инсон эса эзгу ишлари билан юракларга малҳам, кўзларга нур бағишлайди. Шундай касб эгалари борки, элнинг меҳру муҳаббати, ҳурмат-эътибори уларни эъзоз деб аталмиш улуғ шоҳсупага чиқариб қўяди. Уларни мураббий ва халоскор деб атаймиз. Йўлдош Қўчқоров шундай фидойи шифокордир.

Турсунбой БОЙМИРОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -21.00
Topshirildi - 21.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 618 | 20543 nusxada bosildi | 1 2 3 4